

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУРАХМАНОВА НАРГИЗА МИРЗА-БАХТИЯРХОНОВНА**

**COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА АНКИЛОЗЛОВЧИ  
СПОНДИЛОАРТРИТНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИ  
ОЛИБ БОРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Абдурахманова Наргиза Мирза-Бахтиярхоновна**

COVID-19 ўтказган беморларда анкилозловчи спондилоартритнинг  
клиник-иммунологик хусусиятлари ва даволаш-профилактика  
чораларини олиб боришда янгича ёндашувлар..... 3

**Абдурахманова Наргиза Мирза-Бахтиярхоновна**

Клинико-иммунологические особенности и новые подходы лечебно-  
профилактических мер при анкилозирующим спондилоартрите у  
больных, перенесших COVID–19..... 25

**Abdurakhmanova Nargiza Mirza-Baxtiyarkhanovna**

Clinical and immunological features and new approaches to  
treatment and prevention measures for ankylosing spondylitis  
in patients with COVID-19..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУРАХМАНОВА НАРГИЗА МИРЗА-БАХТИЯРХОНОВА**

**COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА АНКИЛОЗЛОВЧИ  
СПОНДИЛОАРТРИТНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИ  
ОЛИБ БОРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Tib686 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ахмедов Халмурад Садуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шодикулова Гуландон Зикрияевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Захидова Машкура Зияматовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Касимов Илхом Асамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25; e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, суяк-мушак тизими касалликлари бутун дунёда ногиронликка олиб келувчи етакчи омиллардан биридир. 2020-йилда пандемияга сабаб бўлган COVID-19 нафақат ўпкани шикастлаши, балки беморларда мавжуд бўлган коморбид ҳолатларни, хусусан, аутоиммун ревматологик касалликларни оғирлаштириши билан ҳам тавсифланади. Америка ревматологлар ассоциацияси маълумотларига кўра, «...анкилозловчи спондилоартрит аҳоли ўртасида 0,1-1,5% учраб, касаллик негизида умуртқа поғонаси, думғаза-ёнбош бўғимининг аутоиммун зарарланиши ётиб, навқирон ва ўрта ёшдаги беморларни ногиронликка олиб келувчи ижтимоий касаллик ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Унинг тиббий-ижтимоий аҳамияти ёш аҳолида эрта ногиронлик ривожланиш хавфининг юқорилиги билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида юқори иқтисодий ҳаражатларга сабаб бўлади. Шунинг учун бугунги кунда анкилозловчи спондилоартрит (АС) ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19ни АС кечишига ва қабул қилинган базисли давога, коронавирус инфекцияси кечишига иммунодепрессант хусусиятга эга ген-инженерли давонинг таъсирини ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иккала касаллик патогенетик механизмларини ўхшашлиги ҳақида тобора кўпроқ маълумотлар пайдо бўлмоқда. COVID-19 ўтказган беморларда АС клиник кечиши ва кучайиш сабабларини аниқлаш; иммунологик ўзгариш хусусиятларини таққослаш; АСнинг эрта ташхислашда Anti-CD74 ролини баҳолаш; коронавирус инфекциясини ҳисобга олган ҳолда АСни даволаш, профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, аҳоли саломатлигига эътибор қаратишга йўналтирилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан “...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини, сифатини ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, касалликларни олдини олиш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш ҳамда ташхис, даволаш ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг юқори технологик моделларини яратиш...” бўйича вазифалар белгиланган<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатилаётган тиббий ёрдам ва кўрик ҳамда патронаж тизимини юксалтириш билан бирга анкилозловчи спондилоартритни эрта босқичларда аниқлаш, касалликни самарали даволашга ва ёш аҳоли орасида эрта ногиронлик шаклланишини олдини олиш имконини беради.

---

<sup>1</sup> Jeffrey R. Curtis et al. The Annual Diagnostic Prevalence of Ankylosing Spondylitis and Axial Spondyloarthritis in the United States Using Medicare and MarketScan Databases. ACR Open Rheumatol. 2021 Nov; 3(11): 743–752.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5590-сонли ПФ, 2020-йил 26-мартдаги “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишини олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 4649-сонли ПҚ, 2021-йил 28-июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 5199-сонли ПҚ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 4-августдаги “Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 461-сонли қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти ижроси муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларнинг ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар таҳлили<sup>3</sup>.**

Анкилозловчи спондилоартрит патогенетик, иммунологик ва клиник хусусиятларини баҳолашга ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, University of Cincinnati Medical Center (АҚШ), Copenhagen Center for Arthritis Research, Charite University (Германия), University of Alberta (Канада), Cairo University (Миср), University of Oxford, University of Leeds (Буюк Британия), Queensland University of Technology (Австралия), University Medical Center, Université de Versailles (Франция), University of Padua, University of Modena & RE (Италия), La Paz University Hospital (Испания), Universidade Nova de Lisboa (Португалия), University Hospitals Leuven (Белгия), University of Amsterdam (Нидерландия), University of Thessaly (Греция), University Faculty of Medicine (Туркия), Anhui Medical University (Хитой), Сеченов Университети (Россия), Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Анкилозловчи спондилоартрит эрта ташхислашда, патогенетик механизмларида, иммуногенетик жихатларида, даволаш тамойилларида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: даволовчи жисмоний тарбия машқлари юқори клиник самара берувчи номедикаментоз даво сифатида аҳамияти асосланган (San Carlo Hospital of Potenza and Madonna delle Grazie Hospital of Matera, Италия); касаллик ривожланишида “интерлейкин-17/интерлейкин-23 ўқи” АС патогенетик занжиридаги етакчи ўрни исботланган (Osaka University Graduate School of Medicine, Япония); ичак

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида амалга оширилди: [pubmed.ncbi.nlm.nih.gov](http://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov), [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru), [www.charite.de](http://www.charite.de), [www.ualberta.ca](http://www.ualberta.ca), [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk), [www.uvsq.fr](http://www.uvsq.fr), [www.idipaz.es](http://www.idipaz.es), [www.uth.gr](http://www.uth.gr), [www.uva.nl](http://www.uva.nl), [www.unl.pt](http://www.unl.pt), [www.english.ahmu.edu.cn](http://www.english.ahmu.edu.cn), [www.gbiomed.kuleuven.be](http://www.gbiomed.kuleuven.be), [www.international.unimore.it](http://www.international.unimore.it), [www.cu.edu.eg](http://www.cu.edu.eg), [www.qut.edu.au](http://www.qut.edu.au), [www.sechenov.ru](http://www.sechenov.ru)

дисбактериози анкилозловчи спондилоартрит ривожланишида ва касаллик келиб чиқишидаги ўрни ўрганилган (School of Basic Medical Science, Dalian Medical University, Хитой); Anti-CD74 биомаркери касаллик эрта рентген олди даврларида текширилиши касалликни ташхислашдаги янги меъзон сифатида тахмин қилинган (Ruhr University Bochum, Rheumazentrum Ruhrgebiet, Германия); янги гуруҳ дори воситалари - таргет базисли яллиғланишга қарши ҳамда ген инженер биологик препаратлар касалликни фаоллигини камайтиришда хусусан, умуртқа поғонасида шакилланувчи анкилозланиш жараёнини секинлаштиришда юқори самарадорлиги аниқланган (Department of Rheumatology, Leiden University Medical Center, Leiden, Нидерландия);

Жаҳонда анкилозловчи спондилоартритни эрта ташхислаш, патогенетик ва иммуногенетик механизмларни аниқлаш, даволаш ва касаллик сабабли эрта ногиронликни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: COVID-19 пандемия даврида иммунодепрессив хусусиятларга эга бўлган АС даволашда қўлланувчи базисли антиревматик дори воситаларни коронавирус оғир кечиш хавфига таъсирини ўрганиш; тиббиётнинг бирламчи бўғинида анкилозловчи спондилоартритни оилавий шифокорлар томонидан эрта ташхислашни такомиллаштириш; анкилозловчи спондилоартритни рентгенологик белгиларини авжланиш тезлигига ген-инженер биологик препаратларни таъсирини ўрганиш; анкилозловчи спондилоартритни даволаш-ташхислаш ва профилактика чора-тадбирлари мажмуасини такомиллаштириш, кабилар шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда дунёнинг ривожланган давлатларида АСни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бугунги кунга қадар жаҳонда АС нинг патогенетик механизмлари ҳақида маълум илмий тушунчалар аллақачон ишлаб чиқилган: АС ни интерлейкин-17, интерлейкин-23 каби яллиғланиш олди цитокинлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган (А. Ceribelli, 2021; Ch.Ritchlin, 2020); АС ва HLA-B27 аллель ташувчилари ўртасидаги ассоциация исботланган (B.Chen, 2017, N.Jah, 2020); АС ривожланишида ERAP-1, ERAP-2 ген полиморфизмларининг таъсири ўрганилган (L.Rahmavati 2022, M. Ebrazeh 2020); бир қатор йирик тадқиқотлар АС эрта ташхислашга ёрдам берувчи янги биомаркер - Anti-CD74 га бағишланган (А.Marwa, 2020).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда АСни ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Улар асосан АС даги клиник, ёки иммуногенетик, ёки юрак-қон томир бузилишларига бағишланган. Бу ишлар, хусусан, АСда буйраклар шикастланишини ўзига хос хусусиятлари, сийдик чўкмасининг бузилиши ва дори воситаларини буйрак фаолиятига салбий таъсири (Наимова Ш.А., 2021); анкилозловчи спондилоартритда минераллар алмашинуви бузилишининг клиник-патогенетик аҳамияти ва уни коррекциялаш йўллари (Набиева Д.А., 2022); АС нинг клиник кечиши билан иммуногенетик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги, юрак-қон томир тизими ҳолати, HLA-B27 ген полиморфизми хусусиятлари (Исламова Д.Н., 2022) ва бошқаларни ўрганишдан иборат.

Бирок, юқоридаги илмий адабиёт манбаларидаги маълумотлари, COVID-19 анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник кечишига, иммун статусдаги ўзгаришларга ва яллиғланиш олди цитокинлари ҳолатига, касалликни авжланишига таъсирини тўлиқ ўрганилмаганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, АСни эрта ташхисида Anti-CD74 маркерининг ўрни тўлиқ аниқланмаган, умуртқа поғонасининг суяк-бўғим тузилмаси зарарланишидаги ўзгаришлар ва ногиронлик ривожланишини башоратлаш усуллари, коронавирус инфекцияси билан касалланишни ҳисобга олган ҳолда даволаш ҳамда профилактика чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради.

АСда умуртқа поғонасининг анкилозланиши асосан ёш, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламининг ҳаёт сифатини пасайишига, доимий ногиронлик ва меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келишини ҳисобга олиб, ушбу касалликни эрта аниқлаш ҳамда ўз вақтида даволаш амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Ички касалликларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги усуллари» №011800229 (2019-2022 йй.) номли илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** COVID–19 ўтказган беморларда анкилозловчи спондилоартритнинг клиник белгилари, кечиш хусусиятлари, суяк-бўғим тизими зарарланиши ва иммунологик ўзгаришлар кучайишини баҳолаш, ҳамда даволаш-профилактика чораларини мукамаллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

COVID–19 ўтказган беморларда анкилозловчи спондилоартритни клиник кечишини проспектив таҳлилини ўтказиш;

COVID–19 ни АС кечишига, иммунологик ўзгаришларнинг таъсирини ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

COVID–19 ўтказган беморларда яллиғланиш ва яллиғланиш олди цитокинларини (ИЛ-17, ИЛ–6,  $\alpha$ -ЎНО) ҳисобга олган АС кечишини башоратловчи предикторларни аниқлаш;

COVID–19 ўтказган АС га чалинган беморларда кузатилган тизимли яллиғланишда Anti-CD74 маркерининг ўрнини аниқлаш;

COVID-19 ўтказган АС ли беморларда суяк-бўғим тизимидаги тузилмавий ўзгаришларни ривожланишида C-telopeptide of Type II collagen ўрнини аниқлаш;

COVID-19 ўтказган АС ли беморларда барқарор ремиссиясига эришишга йўналтирилган даволаш - профилактика чора-тадбирлари мажмуасини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган 211 нафар беморлар ва назорат гуруҳини ревматологик анамнезга эга бўлмаган 40 нафар соғлом кўнгиллилар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида COVID–19 ўтказган беморларда анкилозловчи спондилоартритнинг клиник кўриниши, хужайравий ва гуморал иммунитет ҳолатининг хусусиятлари, яллиғланиш олди цитокинлар

кўрсаткичлари, суяк метаболизмининг маркерлари ҳамда сўровнома натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик, рентгенологик, яллиғланиш олди цитокинлари, Anti-CD74, C-telopeptide of type II collagen (CTX-II) концентрациясини аниқлаш ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

анкилозловчи спондилоартритга чалинган беморларда COVID–19 негизда Т-хужайравий ҳимояланиш жараёни ва улардаги дифференциацияловчи антигенлар (CD3+, CD4+ ва CD20+) экспрессияси бузилишлари аниқланган ҳамда уларнинг цитокин профиллари (ИЛ-6 ва ИЛ-17) номуносивиблигидаги ўрни асосланган;

умуртқа поғонасида деструктив ўзгаришлар ривожланишида интерлейкин-17 ва C-telopeptide of type II collagen маркерларининг патогенетик аҳамияти аниқланган;

анкилозловчи спондилоартритда яллиғланиш олди цитокинларини COVID-19 туфайли ортиб боришида Anti-CD74 ўрни асосланган ва унинг прогностик аҳамияти исботланган;

анкилозловчи спондилоартритда COVID–19 туфайли умуртқада юзага келган специфик “жомсимон” шаклдаги яллиғланишли ўзгаришларни эрта аниқлашда умуртқа поғонасининг хариталаш тизими ўрни асосланган;

COVID–19 негизда ривожланган анкилозловчи спондилоартритнинг оғир ва турғун фаоллик билан кечувчи шакллари даволашда базис воситалардан ИЛ-17 ингибиторлари қўлланилганда даво самарадорлигига ижобий таъсири асосланган

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган "Анкилозловчи спондилоартритда ногиронлик индекси" ёрдамида АС га чалинган беморларда умуртқа поғонасининг анкилозланиши ва ногиронлик хавфини башоратлаш имкони яратилган;

интерлейкин-17 ва CTX-II даражасини ўрганиш ёрдамида умуртқа поғонасидаги суяк тузилмаси ўзгаришларини авжланиш даражасини башоратловчи “COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартритли беморларда суяк структур ўзгаришларни прогрессирланишини эрта аниқлаш” ((11.10.2022 дан FAP №02141) усули ишлаб чиқилган;

анкилозловчи спондилоартритда COVID–19 туфайли юзага келган умуртқа поғонасидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш учун суяк-бўғим тузилмасини хариталаш тизими ишлаб чиқилган;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ишловчи оилавий шифокорлар учун турли спондилоартритлар, жумладан анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда эрта ва қиёсий таъхис қўйиш ҳамда беморларни кузатиш алгоритми таклиф этилган;

COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморлар учун тавсия этилган алгоритмлар ёрдамида даво ва профилактика чораларини модификациялаш, даволаш самарадорлигини ошишига ва эрта ногиронликни олдини олишга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида замонавий усуллар ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларни олинган натижаларга мослиги, ўтказилган текширувларнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонини етарлилиги, унга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларини халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан ўзаро мослиги, хотима ва олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий натижалари иммунологик ўзгаришлар туфайли каронавирус инфекцияси негизида анкилозловчи спондилоартритни клиник кечиш хусусиятлари бўйича назарий билимларни кенгайтириш имконини берди, COVID-19 ўтказган АС билан оғриган беморларда каронавирус инфекциясини оғир кечишини олдини олишда базисли давони қабул қилиш тушунчасига аниқлик киритилди. Anti-CD74 биомаркерини ўрганиш унинг АСни эрта ташхислашдаги ўрнини аниқлаштиришга имкон яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, АС билан оғриган беморларда COVID-19 ўтказганлиги ҳақидаги маълумотларга асосланиб, даво ва профилактика чораларини эрта бошланиши касалликнинг авжланишини олдини олиш, эрта ногиронлик ривожланишини муддатини узайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга эришилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Анкилозловчи спондилоартритни тиббиётнинг бирламчи тизимида эрта ташхислаш ва COVID-19 ўтказган ҳамда унга чалинган беморларда даволаш-профилактика чораларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

анкилозловчи спондилоартритни эрта ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида “Умумий амалиёт шифокори амалиётида спондилоартрит билан кечувчи касалликларни эрта ташхислаш алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 8 апрелдаги 8н–з/154-сон маълумотномаси) Мазкур услубий тавсиянома бирламчи бўғинда анкилозловчи спондилоартритни эрта ташхислаш, бошқа спондилоартритлар билан кечувчи касалликлар билан дифференциал диагностика ўтказиш имконини берган;

коронавирус ўтказган анкилозловчи спондилоартритли беморларда даволаш-профилактика чораларини самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида “COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартритга чалинган беморларда даволаш-профилактика чоралари алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 8 апрелдаги 8н–з/154-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартритли беморларда бўғим тузилмаларидаги ўзгаришларни олдини олиш имконини берган;

касалликни эрта аниқлаш, қиёсий ташхис ўтказиш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини эрта бошлаш мақсадида олинган илмий

натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, 3-шаҳар клиник шифохонаси, Тошкент шаҳридаги 13-оилавий поликлиника, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 21- ва 22-сонли қишлоқ оилавий поликлиникалари фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 сентябрь 08344-сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларини клиник амалиётга жорий этилиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида анкилозловчи спондилоартритни эрта аниқлаш, ногиронликни ва касаллик зўрайишини олдини олиш, узоқ муддатга меҳнат қobiliятини сақлаб қолиш, COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларни даволаш, текшириш ва ташхислаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга сарф қилинадиган маблағни тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 8 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 200 бетни ташкил этади

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари белгиланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Анкилозловчи спондилоартритнинг патогенези, ташхислаш ва даволаш ҳақидаги замонавий ғоялар (адабиётлар шарҳи)”** номли биринчи бобида АС муаммосининг назарий жиҳатлари кўриб чиқилган, илмий маълумотлар тизимлаштирилган, касалликнинг патогенези, клиник хусусиятлари ҳамда ушбу патологияни даволашни замонавий ёндашувлари ҳақидаги янгича ғоялар баён этилган. COVID-19 АС билан оғриган беморлар умуртка поғонаси суяк-тузилмасига таъсири тўғрисидаги замонавий адабиёт манбалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник тавсифи, тадқиқот материаллари ва усуллари”** номли иккинчи бобида тадқиқот дизайни, унинг материал ва усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, тадқиқот натижаларига статистик ишлов беришда фойдаланилган усуллар келтирилган. Тадқиқот

ишининг асосини АС билан оғриган 211 нафар беморларнинг текширув натижалари ташкил этди. Назорат гуруҳига шу ёшдаги, ревматологик анамнезга эга бўлмаган, 40 нафар соғлом кўнгиллилар олинди. Тадқиқот иши 2020 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳридаги 3-шаҳар клиник шифохонаси ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида ўтказилди. Ушбу даврда беморларнинг ўртача ёши  $40,71 \pm 13,2$  (18 дан 60 ёшгача) бўлди. Кузатув гуруҳидаги беморларда касаллик давомийлиги 1 ойдан 25 йилгача, ўртача  $8,29 \pm 6,65$  йилни ташкил қилди. Беморларнинг 39 нафарини (19%) касалланганига 2 йилгача бўлганлиги, 2 йилдан 5 йилгача - 54 (26%) ҳамда 5 йилдан ортиқ – 118 нафар (56%) беморларда аниқланди. 211 нафар беморларнинг 37 (17,6%) нафарини аёллар, 174 (82,4%) нафарини эркаклар ташкил қилди, касалликнинг аксиал шакли 147 нафар (69,7%) беморларда, периферик шакли - 64 (30,3%) нафарида кузатилган. АС билан оғриган беморларнинг 71,5% HLA-B27 аллель ташувчиси эди.

Касаллик анамнези маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, АСнинг илк белгилари пайдо бўлган вақтда беморларнинг ўртача ёши  $33,8 \pm 8,5$  ни ва касалликни биринчи белгилари пайдо бўлиши ҳамда ушбу ташхисни тасдиқланиши орасидаги ўртача давр  $5,3 \pm 3,6$  йилни ташкил этган. Бу вақт ичида бемор турли шифокорларга, хусусан, невропатологга мурожаат қилган ва кўпинча остеохондроз, люмбаго, "диск чурраси" ташхиси билан даволанган ва даволашда минимал самарага эришилган. Беморларнинг атиги 15,1% да АС ташхиси биринчи белгилар пайдо бўлганидан бошлаб илк даврда тасдиқланган, ҳар бешинчи бемор (19,8%) ўз ташхисини ўртача икки йилдан сўнг билган. Уларнинг 1/4 қисми (23,6%) - 4 йилдан сўнг ва 41,5% - касаллик бошланишидан 5 йил ва ундан кўпроқ вақт ўтгач ташхис аниқланган. Дастлабки босқичда беморларнинг атиги 15,1% да АС тахмин қилинган, аммо бошқа тахминий ташхислар ҳам мавжуд бўлган: диск чурраси, остеохондроз, остеоартрит, реактивли артрит, дифференциацияланмаган артрит, псориастик артрит ва бошқа касалликлар.

Кузатувдаги беморлардан касалликнинг фаоллиги ҳамда бўғим синдроминанинг яққоллиги ASDAS ва BASDAI шкаласи ёрдамида аниқланди, функционал фаоллиги эса BASFI индекси ёрдамида баҳоланди, оғриқли энтезисларни баҳолаш MASES шкаласи ёрдамида ўтказилди, BASMI метрولوлик индексидан умуртқа ва чанок-сон бўғими ҳаракатчанлигини объектив баҳолашда фойдаланилди. Касалликнинг периферик шаклида 44 та периферик бўғимларда оғриқ ва шиш белгилари мавжудлиги бўйича бўғимлар кўшимча равишда кўрикдан ўтказилди ҳамда оғриққа 100-миллиметрли визуал аналогли шкала (ВАШ) ёрдамида баҳо берилди. Беморларнинг барчасида думғаза-ёнбош бўғимида ўзгариш борлигини ҳамда сакроилиит даражасини аниқлаш мақсадида тос суягининг обзорли тасвири олинди, mSASSS шкаласи бўйича умуртқа поғонаси зарарланиш даражасини аниқлаш мақсадида эса умуртқа поғонасининг MPT/МСКТ ўтказилди.

Кенгайтирилган иммунограмма текшируви Иммунология ва одам геномикаси институтининг лабораториясида бажарилди ҳамда иммунитетнинг хужайравий ва гуморал бўғинлари ўрганилди. COVID-19 IgM

ва IgG антитаначаларининг мавжудлиги иммунохемилюминисцент анализ (ИХЛА) усулида, суяк метаболизмининг маркери бўлган СТХ-II концентрацияси, АС ни эрта ташхислашнинг янги маркери - Anti-CD74, яллиғланиш олди цитокинлари бўлган интерлейкин-17А, интерлейкин-6,  $\alpha$ -ўсма некроз омили ( $\alpha$ -ЎНО) иммунфермент текшируви усули ёрдамида аниқланди.


Барча беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш мақсадида SF-36 саволномаси ҳамда АС билан касалланган беморлар учун махсус тайёрланган ASQol саволномаси бўйича сўровнома ўтказилди, даволаш динамикаси ASAS (ASAS20 ва ASAS40) мезонларига мувофиқ равишда фоиз нисбатида баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи боби **"COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларнинг клиник тавсифи"** деб аталиб, унда АС билан касалланган 211 нафар беморларнинг клиник, биокимёвий ва функционал текширув натижалари таҳлил қилинган. Беморлар уч гуруҳга ажратилган: IA гуруҳ – базисли даво олмаган COVID-19 ўтказган АС билан касалланган 48 нафар беморлар, IB гуруҳ - COVID-19 ўтказган ҳамда базисли даво олган 43 нафар беморлар, II гуруҳ – АС билан касалланган, аммо анамнезида COVID-19 бўлмаган 120 нафар беморлар ташкил қилди. IA гуруҳидаги беморларнинг ўртача ёши  $42,2 \pm 13,3$  йилни, I B гуруҳи -  $41,4 \pm 10,1$ , II гуруҳ  $40,2 \pm 8,3$  ёшни ташкил этди. Уччала гуруҳ беморларининг асосий шикоятлари эрталабки қарахтлик бўлиб, у IA гуруҳидагиларнинг 88,6%, IB - 65,10%, II гуруҳдагиларни 49,5% кузатилди; белда оғриқ IA гуруҳда 95,1%, IB - 75,2% ҳамда II гуруҳнинг 53,01% қайд этилди; бўғимлардаги шиш (касалликнинг периферик шакли билан касалланган беморларда) IA -56,1%, IB - 43,10% ҳамда II гуруҳнинг 36,4% беморларида кузатилди; ҳаракат чекланиши IA - 74,3%, IB - 57,3%, II –гуруҳнинг 40,2% беморларида аниқланди.

COVID-19 кечиши таҳлил этилганида IA ва IB гуруҳларида фарқ аниқланди: базисли давода бўлган беморларда (IB гуруҳ) коронавирус инфекциясининг оғир кечиши кузатилмади ҳамда касалликнинг белгиларсиз шаклини учраши устунлик қилди (65,5%); АС бўйича даво олмаган беморларда эса (IA гуруҳ) ўта кам ҳолатларда коронавирус инфекциясининг белгиларсиз шакли (15,1%), тенг даражада касалликнинг енгил ва ўрта оғирликдаги шакллари ҳамда 18,7% беморларда оғир шакли кузатилди (1-расм).


АС билан касалланган IA ва IB гуруҳдаги беморларда COVID-19 нинг асосий клиник белгиларидан иситма (75,1% ва 28,1%), интоксикацион синдром (49,6% ва 30,0%), таъм билишнинг бузилиши (59,3% ва 27,7%), хид билишни бузилиши (64,6% ва 32,2%), ўпкани зарарланиши (39,4% ва 13,2%), астено-депрессив синдром (67,4% и 22,1%) мос равишда кузатилди.

Касалликнинг фаоллик даражаси таҳлил қилинганда, ASDAS ва BASDAI бўйича ўта юқори фаоллик IA гуруҳида  $4.6 \pm 0,71$  балл ва  $5.6 \pm 1,2$  балл, ўрта-юқори фаоллик IB гуруҳида  $3,1 \pm 0,39$  балл ва  $4,3 \pm 0,69$  балл ҳамда ўртача фаоллик II гуруҳда  $2,4 \pm 0,57$  балл ва  $3,7 \pm 0,75$  балл аниқланди.



**1-расм. Анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда COVID-19 кечиши**

ВАШ бўйича оғриқ синдроми IA гуруҳида яққол ( $8,04 \pm 1,09$ ), IB ўртача яққолликда ( $5,97 \pm 1,02$ ) ҳамда II гуруҳида сезиларсиз ( $4,1 \pm 1,20$ ) даражада баҳоланди. MASES бўйича оғриқли этезислар индекси IA гуруҳидаги беморларда  $9,04 \pm 3,3$ , IB гуруҳида -  $6,12 \pm 2,5$  ҳамда II гуруҳида  $3,3 \pm 1,01$  тенг бўлди.



**2-расм. Тадқиқот гуруҳларида SF-36 саволномаси кўра беморларнинг ҳаёт сифати**

SF-36 саволномаси бўйича ўтказилган тадқиқот IA гуруҳидаги беморларда ҳаёт сифатининг жисмоний ва руҳий таркибий қисмларини яққол даражада, IB гуруҳидаги беморларда ўртача ҳамда II гуруҳида сезиларсиз даражада пасайганлигини кўрсатди (2-расм).

ASQoI саволномаси ёрдамида AC билан оғриган беморларда ўтказилган сўровномада қуйидаги натижалар кузатилди: IA гуруҳида ҳаёт сифати (ХС)  $12,5 \pm 3,2$ , IB гуруҳида  $8,2 \pm 1,78$  ва II гуруҳида  $6,3 \pm 0,8$  бўлиб, солиштирганда

якқол пасайганлиги аниқланди. COVID-19 ўтказган АС билан оғриган беморларда ASQoI саволномаси таҳлил қилинганда, 100% ҳолатларда уй ишларини бажаришда қийинчиликлар, чарчоқ, оила ёки дўстлар билан ҳар қандай тадбирларга боришда қийинчиликлар мавжуд бўлди. Беморларнинг 20% дан камроғида чорасизлик ва йиғлаш истаги борлиги қайд этилди.

Диссертациянинг **“COVID -19 ўтказган АС билан оғриган беморларнинг клиник ва иммунологик тавсифи”** номли тўртинчи бобида тадқиқот гуруҳларида иммун ҳолати, яллиғланиш олди цитокинлари:  $\alpha$ - ЎНО, интерлейкин-6, интерлейкин-17 ҳақида маълумотлар келтирилган.



**3-расм. Тадқиқот гуруҳларида иммун ҳолат кўрсаткичлари**


Иммунитетнинг ҳужайравий бўғини ўрганилганида, IA гуруҳида  $31,7 \pm 9,3\%$  CD3 қийматини, IB  $34,4 \pm 6,6\%$  ва II  $54,3 \pm 5,7\%$  гуруҳлар ҳамда соғлом кишиларга ( $59,8 \pm 2,5\%$ ) нисбатан сезиларли пасайганлиги ( $p < 0,05$ ) аниқланди. CD4 қиймати эса назорат гуруҳига нисбатан ( $36,7 \pm 3,1\%$ ) барча гуруҳларда мос равишда  $20,4 \pm 1,9\%$ ,  $23,8 \pm 3,1$  ва  $31,2 \pm 2,2\%$ ) статистик ишонарли равишда пасайди ( $p < 0,05$ ). CD8 кўрсаткичи ўрганилганида, IA ( $17,1 \pm 1,6\%$ ) ва IB ( $19,9 \pm 2,2\%$ ) гуруҳларда кўрсаткич қиймати II ( $23,7 \pm 2,4\%$ ) ва назорат гуруҳига ( $26,4 \pm 2,1\%$ ) нисбатан ишонарли даражада пасайганлиги кузатилди ( $p < 0,05$ ). CD16 эса назорат гуруҳига ( $16,2 \pm 1,5\%$ ) нисбатан уччала гуруҳларда кўтарилиши (мувофиқ равишда  $23,2 \pm 2,7\%$ ,  $21,1 \pm 1,6\%$  ва  $19,5 \pm 1,8\%$ ) ( $p < 0,05$ ) аниқланди, бунда CD20 даражаси уччала гуруҳларда ҳам меъёр даражасида қолди (мувофиқ равишда  $19,5 \pm 2,01\%$ ,  $20,3 \pm 3,1$  ва  $21,2 \pm 2,4\%$ ). CD38 ва CD95 даражаси бўйича гуруҳлар ўртасида фарқ кузатилди ҳамда IA (мувофиқ равишда  $35,1 \pm 3,1\%$  ва  $28,5 \pm 2,7\%$ ) ва IB (мувофиқ равишда  $31,4 \pm 3,9\%$  ва  $25,1 \pm 2,05\%$ ) гуруҳларда II (мувофиқ равишда  $27,9 \pm 2,7\%$  ва  $23,1 \pm 1,9\%$ ) ва назорат гуруҳларига (мувофиқ равишда  $21,4 \pm 1,9\%$  ва  $18,7 \pm 1,4$ ) нисбатан юқори бўлди ( $p < 0,05$ ). Иммунорегуляция индекси

CD4/CD8 (ИРИ) эса IA ( $1,1 \pm 0,8$ ) ва IB ( $1,2 \pm 0,9$ ) гуруҳларида II ( $1,5 \pm 0,5$ ) гуруҳга нисбатан ишонарли равишда паст бўлди ( $p < 0,05$ ). 3-расмда келтирилганидек, I ва II гуруҳ беморларида Т - лимфоцитларнинг умумий миқдори билан бир қаторда унинг субпопуляциялари бўлган - Т хелпер ва Т-супрессорлар миқдорини ҳам назорат гуруҳига нисбатан ишонарли равишда пастлиги кузатилди. Бунда, В-лимфоцитларнинг миқдори барча гуруҳларда меъёр даражасида бўлди. Табиий киллерлар эса IA гуруҳда II гуруҳга нисбатан ишонарли равишда юқори бўлди ( $p < 0,05$ ) (3-расм).

Қон зардобида ИЛ-6 концентрацияси ўрганилганда, IA гуруҳ ( $17,02 \pm 9,2$  пг/мл;  $p < 0,001$ ) ва IB гуруҳ беморларда ( $12,35 \pm 3,4$  пг/мл;  $p < 0,001$ ) унинг миқдори II ( $5,17 \pm 4,08$  пг/мл;  $p < 0,001$ ) ва назорат гуруҳига ( $1,93 \pm 0,89$  пг/мл) нисбатан статистик ишонарли даражада юқорилиги қайд этилди, ИЛ-6 кўрсаткичлари таққослаш гуруҳидан 3,2 баравар ва амалий соғлом кўнгиллилардан иборат назорат гуруҳи натижаларидан 8,8 баравар юқори бўлди ( $p < 0,001$ ).


Қон зардобида  $\alpha$ -ЎНО концентрацияси ўрганилганда, унинг миқдори IA гуруҳда ( $11,8 \pm 8,4$  пг/мл) бошқа гуруҳларга- IB гуруҳ ( $7,07 \pm 1,17$  пг/мл;  $p < 0,001$ ), II гуруҳ ( $4,1 \pm 1,46$  пг/мл;  $p < 0,001$ ) ва назорат гуруҳига ( $1,12 \pm 0,58$  пг/мл ( $p < 0,001$ )) нисбатан статистик ишонарли юқори рақамларда бўлди. ЎНО- $\alpha$  эса қиёсий гуруҳларда 2,8 баробарга ҳамда амалий соғлом кўнгиллилардан иборат назорат гуруҳи натижаларига нисбатан 10,5 баробарга юқори бўлди ( $p < 0,001$ ).

Қон зардобида ИЛ-17А концентрацияси IA гуруҳида ( $88,2 \pm 49,4$  пг/мл;  $p < 0,001$ ), IB гуруҳ ( $63,54 \pm 12,6$  пг/мл;  $p < 0,001$ ), II гуруҳ ( $24,3 \pm 13,6$  пг/мл;  $p < 0,001$ ) беморлари ва назорат гуруҳига ( $6,00 \pm 1,25$  пг/мл;  $p < 0,001$ ) нисбатан ишонарли даражада юқори рақамлар қайд этилди, ИЛ-17 концентрацияси ушбу қиёсий гуруҳларда 2,5 баробарга ҳамда амалий соғлом кўнгиллиларга нисбатан 14,7 баробарга юқори бўлди ( $p < 0,001$ ), бу эса ўтказилган COVID-19 негизида яққол ва турғун яллиғланиш жараёни бўлишидан далолат беради (4-расм)



4-расм. Тадқиқот гуруҳларида ИЛ-17 А концентрацияси

(Кўрсаткичларнинг ишонарли фарқи: \* $p < 0,001$  - IA гуруҳи назорат гуруҳига ва IA гуруҳи II гуруҳга нисбатан, @  $p < 0,001$  IB ва II гуруҳлар ўртасида; \$  $p < 0,001$  IB гуруҳи ва назорат гуруҳига нисбатан; # $p < 0,05$  II ва назорат гуруҳига нисбатан)




**5-расм. Анкилозловчи спондилоартрит клиник-функционал белгиларини ўрта тадқиқот гуруҳларида ИЛ-17А билан корреляцион боғлиқлиги**

Кўпфакторли математик таҳлил ИЛ-17Ани касаллик фаоллиги (ASDAS, BASDAI), ВАШ бўйича оғриқ синдроми, эрталабки қарахтлик, BASMI метрологик индекси, BASRI-SPINE ва mSASSS рентгенологик индекслари, CTX-II суяк-бўғим метаболизми маркерлари касаллик патогенезидаги ўрнини тасдиқловчи IA, IB гуруҳ билан кучли мусбат, II гуруҳ билан кучли ва мўтадил корреляцион боғлиқлик аниқланди (5-расм).


Диссертация ишининг бешинчи боби **Anti-CD-74 ни аҳамияти ва анкилозловчи спондилоартритни эрта ташхислаш масалаларига** бағишланган. Тадқиқотимизда биз, бутун дунёда муҳокама қилинаётган анкилозловчи спондилоартритни эрта ташхислашда ёрдам берувчи янги маркер Anti-CD74ни клиник аҳамиятини ўргандик. Anti-CD74 даражасини ўрганишда қуйидаги натижалар маълум бўлди: АС билан касалланган беморларда кўрсаткичнинг қиймати ишонарли даражада юқори бўлди ( $p < 0,001$ ) ҳамда унинг ўртача қиймати  $27,5 \pm 16,38$  ng/ml ( $n=70$ ) ташкил этди. Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич  $6,04 \pm 0,59$  ng/ml ( $n=30$ ) тенг бўлди. Соғлом кишиларнинг 6,6% ( $n=2$ ) Anti-CD74 юқори даражаси ҳамда АС билан оғриган беморларнинг 7,1% ( $n=5$ ) унинг миқдори меъёрга бўлганлиги кузатилди.

Anti-CD74 миқдори ASDAS-ЭЧТ даражаси билан қиёсланганида юқори ижобий корреляция аниқланди ( $r=0.82$ ). Бу эса, касалликнинг фаоллик даражаси қанчалик юқори бўлса, Anti-CD74 миқдори шунча юқори бўлишини кўрсатади (6-расм).



**6-расм. Anti-CD74 концентрациясини анкилозловчи спондилоартрит фаоллигига боғлиқлиги**


COVID-19 ўтказган беморларда Anti-CD74 миқдори назорат гуруҳига қараганда 5,9 ( $36,08 \pm 19,25$  нг/мл) баробар ортиши ва COVID-19 ўтказмаган беморларга қараганда 1,9 ( $18,15 \pm 3,88$  нг/мл) мартаба ошиши кузатилди (7-расм).



**7 - расм. COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартритли беморларда Anti-CD74 миқдори**

(Кўрсаткичларни ишонарлик фарқи : \*  $p < 0,001$  - COVID "+" ва COVID "-" гуруҳлари; # -  $p < 0,001$  COVID "+" ва назорат гуруҳи ўртасида; & -  $p < 0,05$  COVID "-" ва назорат гуруҳи ўртасида)

Кўп омилли математик таҳлил Anti-CD74ни ASDAS-ЭЧТ, С-реактив оксил, эрталабки қарахтлик давомийлиги, ВАШ, ИЛ-6, ИЛ-17А,  $\alpha$ -ЎНО билан кучли мусбат корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди (8-расм).



**8- расм. Anti-CD74ни анкилозловчи спондилоартрит клиник-лаборатор белгилари билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги**

Биз, спондилоартрит билан кечувчи касалликларни эрта ва қиёсий ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиб, унинг асосида “Умумий амалиёт шифокори фаолиятида спондилоартритни эрта ташхислаш бўйича электрон ҳисоблаш машинаси дастури”ни ишлаб чиқиб, 31.03.2021 йилдаги DGU 10977 рақамли рўйхатга олиш гувоҳномаси олинди.

Умумий амалиёт шифокори амалиётида спондилоартрит билан кечув

Savolnoma

Сана 01.08.2022

ФИО [Redacted]

Саклаб қолиш

1 2 3 4 5 6 7 **Натижа**

| Белгилар                                                                            | Ха                       |
